O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 30 август чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 169 (2466)


***Бугун Тошкент шаҳрида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси ўз ишини бошлайди.***

## МАМЛАКАТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

29 август куни Тошкент-Ўш автомобил йўлининг мамлакатимиз халқ хўжалиги, бугунги ва келажак тараққиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган энг муҳим участкаси — Қамчиқ ва Резак довонлари тагидан ўтган туннеллар тантанали суратда очилди. Бу муҳим тадбирнинг мамлакатимиз Йўлбошчисининг йўлсозларга табриги ва уларни юксак Ватан мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган кунда бўлиб ўтиши маросимга, айниқса, ўзгача файз ва жўшқин руҳ бахш этди.



Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Юртбошимиз туннелга кириш жойида рамзий лентани қирқди. Дарани олқиш садолари тўлдирди. Шундан сўнг, Президент Ислом Каримов қурувчилар ҳамроҳлигида Қамчиқ ва Резак туннелларини машинада айланиб чиқди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги байрами арафасида ватандошларимиз ва келажак авлодларга муносиб туҳфа тайёрлаган йўлсозлар, ишчи-мутахассислар, муҳандис ва лойиҳачиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди, уларни меҳнат ғалабаси, шунингдек, яқинлашиб келаётган энг азиз, энг улуғ байрам билан ўз номидан ва мамлакат халқи номидан қизғин муборакбод этди.

Мамлакатимиз раҳбари туннелларнинг бетўхтов ва хавфсиз ишлаш жараёни билан танишди. Туннеллардаги ҳаракатни тартибга солиш ишлари компютерлашгани, видеокамералар орқали йўлнинг ҳар бир қаричини кузатиб туриш имкони яратилганидан мамнунлик изҳор этди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, бунда ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш лозимлигини таъкидлади.

Туннелларнинг очилиши мамлакатимиз халқининг асрий орзусини рўёбга чиқарди — тўққиз ярим миллион киши яшайдиган Фарғона водийси республикамизнинг бошқа минтақалари билан қишин-ёзин узлуксиз ишлайдиган транспорт алоқасига эга бўлди, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан суҳбатда.

Бу йўл минг йиллар бурун ҳам халқларга холис хизмат қилиб келган. Шарқ ва Ғарб бу йўл орқали ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқалар боғлаган. Бу йўлнинг мустақиллик йилларида замонавий андозаларга мос даражага келтирилиши мамлакатимиз минтақаларини бирлаштирибгина қолмай, Ўзбекистоннинг хорижга чиқиш имкониятларини янада кенгайтирди. У турли давлатлар ва минтақаларни ҳам бир-бири билан боғлайди. Яқин келажакда Европа ва Форс кўрфази давлатларидан Осиёга борадиган автомобил карвонлари шу йўлдан ўтади.



СУРАТЛАРДА: «Қамчиқ» довонидаги ер ости йўлининг очилишидан лавҳалар. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бундай равон йўллар туфайли давлат тараққий топади, халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлади, дея таъкидлади Президент.

Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган энсиз, қишда узоқ вақтлар ёпилиб қоладиган тоғ йўлини жаҳон андозаларига мувофиқ даражага етказиш масаласи 1996 йили кун тартибига қўйилган эди. Қисқа муддатда мавжуд йўлни қайта таъмирлаш ва Қамчиқ ҳамда Резак довонлари тагидан туннеллар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 йил март ойидан амалий ишлар бошланди.

Ўтган уч йил давомида йўлсозлар қўйилган вазифани шараф билан уддалашди. Йўл транспорт қатнови тўхтатилмасдан кенгайтирилди, янгидан асфальт ётқизилди, ҳаракат хавфсизлиги жаҳон андозалари даражасига етказилди. Умумий узунлиги 2484 метр бўлган тўртта туннел қазилди.

Бажарилган ишлар кўламини қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди: кунига ўн етти мингга яқин автомобил, 150 минг йўловчи ўтаётган тоғ йўлида 21 миллион куб метрлик тупроқ ишлари бажарилди, 6900 метрлик сув қувурлари ётқизилди, 3 та кўприк қурилди, 141 минг куб метр темир-бетон ётқизилди, 2300 метрлик баландликка 4 миллион куб метр қум ва шағал олиб чиқилди. Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидан келган тўрт ярим минг кишилик қурувчилар жамоаси уч йил ичида бажарган ишларнинг қиймати 27 миллиард сўмликдан ортиб кетди. Уларга қозоғистонлик ва қирғизистонлик туннел қурувчилар яқиндан ёрдам беришди. Шу маънода қайта таъмирланган йўлни ва туннелларни самарали ҳамкорлик натижаси, дейиш ҳам мумкин.

Мамлакатимиз Президенти журналистлар билан мулоқотда лойиҳачиларимиз энди мана шу довонлардан бошланиб Нукус ва Қўнғирот шаҳарларигача борадиган замонавий автобан қуриш лойиҳаси устида иш олиб бораётганини айтди. Тошкентдан Ўшгача борадиган йўлнинг сифати ҳам жаҳон андозаларига етказилишини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари мухбирларининг террорчиликка қарши кураш масаласидаги саволига жавоб берар экан, Президент Ислом Каримов террорчилар билан ҳеч қандай музокаралар олиб борилмаслигини алоҳида таъкидлади. Босқинчилар билан музокара олиб борилмайди, агар таслим бўлмаса, аёвсиз қириб ташланади. Террорчиларга ҳар қандай ён босиш янги террор ҳаракатларига замин яратиб беришини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди.

Президент Ислом Каримов яқинда Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага юксак баҳо берди. Хитой томонининг Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг терорчиликка қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаб берган баёноти катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Террорчиларнинг ватани ва миллати йўқ, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов. Шундай экан, дунё давлатлари терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда якдил бўлиши лозим. Бу курашда ўзаро ёрдамнинг катта-кичиги бўлмайди, муҳими, ёнингда дўсту ҳамкор турганини ҳис қилишдир.

Шундай қилиб, Қамчиқ ва Резак туннелларининг ишга тушиши мамлакатимизда транспорт коммуникацияси тизимининг юксалиши учун катта имкониятлар очди. Одамларни, халқларни бир-бирига боғлайдиган йўл янада яқинроқ, янада хавфсизроқ бўлиб қолди. Энг муҳими, халқаро андозалар даражасида қурилган бу йўл мамлакатимиз ва халқимизнинг улкан салоҳияти ҳамда имкониятларини яна бир бор ёрқин намойиш этди.

Президентимизнинг йўлсозларга йўллаган табригида айтилганидек, бу улкан қурилиш мамлакатимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбеклар тўйга тўёна билан боради. Халқимизнинг юзлаб йиллар давомида шаклланган бу ажойиб одати замирида юртни янада обод кўриш, мамлакатнинг гуллабяшнашига ҳисса қўшиш истаги ётади. Истиқлол йилларида бу анъана янгича кўриниш, янгича мазмун касб этди. Ҳар йили Ватанимиз мустақиллигининг навбатдаги санаси тантанали нишонланиши арафасида янги иншоотлар, корхоналар, хиёбонлар, ўқув даргоҳларини фойдаланишга топшириш анъанаси байрам тантаналарининг узвий қисмига айланиб қолди. Бу йил ҳам Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда кўплаб ана шундай янги иншоотлар қад ростлади. 29 август куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда қуриб битказилган ана шундай янги иншоотларнинг айримлари билан танишди.

Дастлаб мамлакатимиз раҳбари пойтахтнинг Аҳмад Дониш кўчасида бунёд этилган янги замонавий кўприкни бориб кўрди.

Бир вақтлар бундай йирик кўприкни бунёд этиш учун йиллаб вақт кетарди. Бироқ энг замонавий қурилиш усуллари ва техникасидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилаётгани боис энди юртимизда маҳобатли иншоотлар жуда қисқа муддатларда қад ростламоқда. Бунда пойтахт қурувчиларининг анча тажриба тўплагани ҳам қўл келаётир. Янги кўприк қурилишида ҳам аввал тўпланилган бой тажрибадан унумли фойдаланилди, замонавий услуб ва технология қўлланилди.



Умумий узунлиги 1151 метр бўлган янги кўприк пойтахтнинг уч туманини ўзаро боғлайди. Унда икки йўналишда бир йўла олти қаторда автомобил ҳаракат қилиши мумкин. Мазкур кўприкнинг қурилиши Аҳмад Дониш, Уста Ширин, Мискин, Ҳусниддин Асомов номидаги кўчаларда транспорт қатновини тубдан яхшилаш имконини беради.

Кўприк билан танишув чоғида Ислом Каримов аҳолининг узоғини яқин қиладиган мазкур иншоотнинг қурилиши муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Чунки шаҳар аҳолиси кўпайиб, майдони ҳам кенгаймоқда.

Ислом Каримов "Ўзкўргазмасавдо" биносини кўздан кечириш пайтида, собиқ "Алпомиш" спорт саройининг миллий меъморлигимиз анъаналари асосида тубдан таъмирланиши унинг бутунлай ўзгача қиёфа касб этишига сабаб бўлганлигини қайд этди. Бино саккиз метргача кенгайтирилиб, айвонига 14 метрлик устунлар ўрнатилди. Иншоот қурилишида маҳаллий бинокорлик материалларидан кенг фойдаланилди.

Мамлакатимиз раҳбари "Ўзкўргазмасавдо" Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқиши учун дарвоза воситасини ўташи лозимлигини таъкидлади.

– Бугунги кунда биз ўз маҳсулотларимизни хорижий ҳамкорларга таклиф қилишда оқсаяпмиз, — деди Президент. — "Ўзкўргазмасавдо" мазкур камчиликни бартараф этишга хизмат қилиши керак.

Эътиборга молик томони – Мустақиллик байрами куни бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг илк кўргазмаси очилади.

Шу куни Президент Ислом Каримов республика Божхона қўмитасининг янги биносини ҳам бориб кўрди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида

**Ватан сарҳадларини, она юртимиз тупроғини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ва уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларни тақдирлаш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин /Жалолиддин Мангуберди ордени тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи илова қилинади/.

2. Белгилаб қўйилсинки, Жалолиддин Мангуберди ордени Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига*
*1-илова*

## Жалолиддин Мангуберди ордени тўғрисида низом

1. Жалолиддин Мангуберди ордени билан Ватан сарҳадларини, она юртимиз тупроғини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда, уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари мукофотланадилар.

2. Жалолиддин Мангуберди ордени Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.

3. Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги тақдимнома мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг республика органлари раҳбарлари томонидан киритилади.

4. Жалолиддин Мангуберди ордени билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

5. Жалолиддин Мангуберди ордени ва мукофотлаш тўғрисидаги тегишли ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тантанали ва ошкоралик вазиятида топширилади.

6. Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

7. Жалолиддин Мангуберди ордени кўкракнинг ўнг томонига тақиб юрилади.

8. Жалолиддин Мангуберди ордени билан марҳум шахс тақдирланган ҳолда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бирйўла тўланадиган пул мукофоти унинг оила аъзоларига топширилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига*
*2-илова*

## JALOLIDDIN MANGUBERDI ордени тавсифи

JALOLIDDIN MANGUBERDI ордени 925-пробали кумушдан тайёрланади, у кумушранг қиррали нурлар таралувчи бешбурчак шаклга эга. Бешбурчакни ўз ичига олган доира диаметри – 55,0 миллиметр.





Орден марказида оқ ҳошия ўраб турган айлана бўйлаб Жалолиддин Мангубердининг нурлар таралиб турган фондаги тилларанг қабариқ тасвири туширилган. Унинг ортидаги фон зангори рангли эмаль билан қопланган.

Ҳошия юқорисида доира бўйлаб "JALOLIDDIN MANGUBERDI"сўзлари ёзилган. Ҳошиянинг ташқи диаметри — 35,0 миллиметр.

Ҳошиянинг пастки қисмида яшил эмал билан қопланган иккита дафна шохлари бўлиб, уларнинг япроқлари орасида фианит кристаллари жойлаштирилган.

Ҳошия юқорисидаги марказ бўйлаб тилларанг муссаман жойлаштирилган бўлиб, у диаметри 8 миллиметрли доирани эгаллайди.

Орденнинг орқа томони ботиқдир. Унинг марказида қадаш учун мўлжалланган гайкали штифт бор.

Пастки қисмида орден рақами 1,0 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

**(Фармонга шарҳ билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз).**

## «ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ»





Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» китобини нашрдан чиқарди. Китобда Олий Мажлис Кенгаши, қўмита ва комиссиялари ҳамда депутатлар ҳақидаги барча маълумотлар баён этилган.

**Марказий сайлов комиссияси**
**Матбуот гуруҳи.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Йиғилишда иккинчи чақириқ Олий Мажлис учинчи сессиясига тайёргарлик ишларига якун ясалди. Парламентнинг учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Ф. Муҳитдинованинг қонун лойиҳалари, сессия муҳокамасига киритиладиган бошқа материаллар устидаги ишлар поёнига етказилганлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Олий Мажлис қўмиталарининг раҳбарлари қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари келиб тушган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда ниҳоясига етказилгани ҳақида ахборот бердилар, Олий Мажлиснинг бўлажак сессиясини ташкил этиш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров иштирок этди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт соҳаларини ривожлантиришга кўп йиллик самарали меҳнати билан қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор"

**Ҳайтбаев Ҳажибай** – "Хоразмсувқурилиш" трестига қарашли Гурлан механизациялашган кўчма колонна экскаваторчиси, Хоразм вилояти

**Юлчиев Собиржон Алиевич** – Бувайда тумани "Бачқир" сув тақсимлаш бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор"

**Мирзоев Холик Маҳмудович** – Вобкент тумани "Зарбдор" ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи"

**Абдужалилова Эркиной** — Мингбулоқ тумани "Наманган" ширкат хўжалиги пиллачиси, Наманган вилояти

**Хусанова Шаҳзодахон** – Олтинкўл тумани "Андижон" ширкат хўжалиги пиллачиси, Андижон вилояти

**Эрматова Соибахон Боқиевна** – Ўзбекистон тумани Муқимий номли ширкат хўжалиги пиллачиси, Фарғона вилояти

**Қораева Шарофат** – Музработ тумани "Пилла қуритиш" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**(Давоми 2,3-бетларда).**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам*
*Ислом Абдуғаниевич,*

*Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.*

*Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ишонч, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва чинакам тенгликдан иборат мустаҳкам асосда тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигидан мамнунман.*

*Ишончим комилки, ўртамиздаги мавжуд ҳамжиҳатлик ва аниқ-равшан масалалар бўйича эришилган аҳдлашувлар Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришга янги омил бағишлайди, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қатъиян қаршилик кўрсатишда биргаликдаги куч-ғайратларни фаоллаштиришга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашга кўмаклашади.*

*Қардош Ўзбекистон халқига, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шахсан Сизга омонлик ва муваффақиятлар тилайман.*

**Эҳтиром ила,**
**Владимир Путин,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва Хитой халқи номидан, шунингдек, шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ҳамда эзгу тилаклар йўллайман.*

*Бизни шу нарса астойдил шодлантирмоқдаки, мамлакатингиз мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўтган тўққиз йил мобайнида Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигингизда ўз давлат қурилиши ҳамда ташқи муносабатларни кенгайтириш соҳасида қувонарли муваффақиятларга эришди, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишида муҳим рол ўйнади. Мамлакатингизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва таъсири сезиларли даражада ошди. Биз мамлакатингизнинг ўз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, шунингдек, иқтисодиётни юксалтиришга ва халқ турмушини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.*

*Ўтган йилнинг ноябрида Хитойга қилган ташрифингиз вақтидаги учрашувимизда ва шу йилнинг июл ойида Душанбеда ўтказилган кейинги учрашувда эришилган ҳамжиҳатлик икки мамлакат муносабатларини ва турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга янги ҳаётбахш куч бўлиб қўшилди. Икки томон ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч даражаси муттасил юксалиб бораётганлиги мени ғоят мамнун этмоқда. Янги асрда мен Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни узоқ давр мобайнида соғлом ва барқарор ривожлантиришни таъминлашга тинимсиз куч-ғайрат сарфлашга тайёрман.*

*Мамлакатингизга равнақ ва халқингизга бахт-саодат тилайман.*

*Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.*

**Цзян Цзэминь,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси 30 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 30 август куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббус ва тавсияси билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида, "Ниҳол" мукофоти таъсис этилган эди.**

# "Ниҳол" мукофотининг илк совриндорлари

Бундан мақсад халқимиз бағридан етишиб чиқаётган ёш санъат ғунчаларини ҳар томонлама асраб-авайлаш, уларнинг истеъдод имкониятларининг тўла рўёбга чиқишига кўмаклашиш, ёшлар овозини олам бўйлаб таралишига кенг йўл очишдир.

"Ниҳол" мукофоти билан энг муносиб, умидли ёшларни тақдирлаш учун ҳукуматимиз қарори билан нуфузли танлов Кенгаши тузилди. Кенгаш таркибига, Юртбошимизнинг таклифи билан, таниқли санъаткорлар қатори, бугунги эстрада юлдузларимиз ҳамда хорижий ва республика мусиқа танловларида истеъдоди эътироф этилган навниҳол санъаткорлар киритилди. Ушбу Кенгаш ўзининг бир неча ижодий йиғилишлари давомида "Ниҳол" мукофотига тавсия этилган юздан ортиқ номзоднинг ижодий имкониятларини ҳар томонлама холис кўриб чиқиб, юртимиз Мустақиллигининг тўққиз йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини бу юксак мукофотга лойиқ деб топди. Кенгаш қарорига кўра, қуйидагилар "Ниҳол" мукофотининг илк совриндорлари бўлдилар:

**Севара Назархон** – Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси

**Дилфуза Раҳимова** – Ўзбекистон Телерадиокомпанияси эстрада ансамбли хонандаси

**Тоҳир Содиқов** – "Болалар" эстрада гуруҳи хонандаси

**Иззатилла Иброҳимов** – "Хўжа" эстрада гуруҳи хонандаси

**Абдулазиз Карим** – "Аср" эстрада гуруҳи хонандаси

**Феруза Мирзаиддинова,**

**Комила Хўжаева,**

**Лайло Галиева** – "Сетора" гуруҳи хонандалари

**Нилуфар Саитова** – "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

**Анна Гузаирова** – Италиядаги камер хонандалари халқаро танлови Гран-при совриндори

**Дилшод Назаров** – Париж консерваторияси толиби

**Гулшод Абдиева** – "Ўзбекрақс" бирлашмаси "Тановор" ансамбли раққосаси

*Барча санъат мухлислари номидан "Ниҳол"нинг илк совриндорларини самимий муборакбод этамиз ва юртимиз равнақи, санъатимиз такомили йўлида уларга катта ижодий зафарлар тилаймиз!*

**(ЎзА)**


Ҳурматли юртдошлар!

Ўз-Тексако қўшма корхонаси жамоаси сизларни буюк миллий байрам

Мустақиллик куни

билан қутлаш шарафидан мамнун эканлигини изҳор этади. Чин дилдан сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида эзгу режаларингиз амалга ошишида улкан зафарлар тилаймиз.

TEXACO

3265





«ЛОК КОЛОР СИНТЕЗ»

қўшма корхонаси жамоаси

серқуёш Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини давлат мустақиллигининг

9 йиллиги билан табриклайди.

*Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт, оилангизга тўкин-сочинлик ва барча ишларингизда омадлар тилаймиз!*

3285



Реклама ва эълонлар 136-09-25




# МЕҲРИБОНЛИК ОҒУШИДА

**Соғлом авлод учун**

Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 8-нутқда нуқсонли болалар боғчасига кириб боришингиз билан ям-яшил гулу гулзорларга, турли спорт майдончалари, болалар ўйингоҳларига кўзингиз тушади. Бу ерда болаларнинг қувнаб, яйраб яшашлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Келажагимиз бўлмиш болаларнинг илм олиш, дарс қилиш, мусиқа ўрганиш, дам олиш хоналари шинам, озода ва замонавий жиҳозланган. Билим масканининг қайси хонасига кирманг, болаларнинг ёши, қизиқишига мослаштирилган манзараларнинг гувоҳи бўласиз. Уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, турли ўйинчоқларни кўриб кўз яйрайди.

Ўз касбининг моҳир устаси жонкуяр муаллима, Республика халқ таълими аълочиси Мавжуда Шомуродова ушбу билим масканига 23 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаяпти. У кичкинтойларнинг соғлом ўсишлари, тетик, билимли бўлиб камол топишлари учун қўлидан келган барча ишларни амалга оширмоқда. Болакайлар мусиқа, рақсни, адабиёт ва тарихни қунт билан ўрганмоқдалар. Шуниси қувончлики 3-4 ёшли болалар компьютерни бемалол бошқармоқдалар.

Биз боғчада бўлиб, хоналардан бирига кирганимизда музика машғулотининг устидан чиқиб қолдик. Жажжи болалар Ватан ҳақида қўшиқ куйлаётган эканлар.

Мустақиллик ёшу қарига бирдай бахт-саодат, завқу шавқ бахш этди. Ҳаётимиз тинч, фарзандларимизнинг баркамол ўсишлари давлатимизнинг асосий мақсадидир. Юлдуз Ёдгорова, Сурайё Алматова, Галина Буравихина сингари муаллима-тарбиячилар ҳар бир болани қалб қўри билан тарбияламоқдалар. Биз болалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, ушбу билим масканининг самарали ишлаши ва нутқда нуқсонли болаларни қисқа вақтда равон сўзлашга тайёрлашда маҳорат кўрсатаётганликларининг яна бир бора гувоҳи бўлдик.

**Рўзимат ДАМИНОВ,**
**Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**


OXUS MINING LIMITED

Amantaytau Gold Fields Qo`shma korxonasining xalqaro hamkori

OXUS RESOURCES CORPORATION

O`zbekiston Respublikasi Mustaqilligining To`qqiz yilligi bayrami munosabati bilan O`zbekiston Respublikasining xalqi va hukumatini samimiy tabriklaydi va ularga tinchlik, omonlik, barqarorlik, baxt-saodat va farovonlik tilaydi.

On the occasion of the 9 th anniversary of the Independence of the Republic of Uzbekistan

OXUS RESOURCES CORPORATION

An International Partner in the Amantaytau Gold Fields Joint Venture extends its cordial greetings to the People and to the Government of the Republic of Uzbekistan and wishes them peace, stability, happiness and prosperity.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ғаффор Ҳотамовга падари бузрукvори
**Бозор ота ҲОТАМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси республика телевидениесининг ижодий жамоаси «Иқтисодиёт» бош муҳаррирриятининг ходими
**Шуҳрат ХУШВАҚТОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника, жамоат ташкилотлари ва институтнинг тез жарроҳлик ҳамда топографик анатомия кафедраси жамоаси шу кафдранинг катта лаборанти Саломат Астанқуловага турмуш ўртоғи
**Тоиржон АСТАНҚУЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Жаҳон» ахборот агентлиги жамоаси агентлик котибияти мудири Саодат Норқўзиевага онаси
**САҲОБАТ аянинг**
вафот этганли муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716. 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Саъдуллаев.
Навбатчи — Д. Турғунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 00.40* 1 2 3 4 5 6